
Расмий муносабат

Кун.уз нашрида Ўзбекистон тумани "Қайнарбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Янгиҳаёт маҳалласида жойлашган 45-мактаб филиали биносининг таъмирталаблигига оид мақола эълон қилинди.

Мазкур танқидий материал юзасидан туман халқ таълими бўлими қуйидагиларни маълум қилади:

420 ўринли айна мактаб филиали бино-иншоатлари 1989 йилда Республика кишлоқ хўжалиги вазирлиги пиллачилик бошқармаси таъсисчилигида қурилган.

Айна кунда мактаб филиалида 1-8 синфларда 180 нафар ўқувчилар таҳсил олишмоқда.

Ўтган 2021 йилда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллий бюджет ҳисобидан 531 миллион сўм маблағ сарфланиб, мактаб филиалида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Хусусан, таълим даргоҳи ўқув биносининг 1-қават йўлак қисми, 8 та синф хоналари ҳамда мавжуд 12x24 ҳажмдаги спорт зал ва бошқа масканлари жорий таъмирдан чиқарилган.

Шунингдек, 2-сектор раҳбари, туман прокурори ташаббуси билан 2021 йилда ҳомийлик маблағлари асосида мактаб ҳовлисига 400 метр масофада ичимлик суви тармоғи тортилиб, тоза ичимлик суви чиқарилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сонли қарорига мувофиқ 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида мазкур мактаб филиали ўқув биносининг қолган таъмирталаб қисмларини таъмирлаш ишлари белгиланган.

Бу бўйича Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасининг 2022 йил 7 ноябрь 199-сонли буйруғи ҳамда туман халқ таълими бўлимининг 2022 йил 15 ноябрь кунги 112-сонли буйруғлари ҳам ишлаб чиқилди.

Мактаб филиали ўқув биносинини таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2 миллиард сўм молиялаштирилиб, бу борада амалий ишлар бошланган. Хусусан вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан тегишли лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

2022-12-10 11:24:37